

Самарқанд давлат университети

Муסיқий таълим йўналиши

**Муסיқа ўқитиш методикаси ва халқ чолғу асбоблари
кафедраси**

**“Муסיқа дарсларида ўқувчиларнинг нота ўқиш
малакаларини шакллантириш йўллари (Бошланғич синфлар
мисолида)”**

Битирув малакавий иши

Бажарувчи:

Бердиева Зилола

Илмий раҳбар:

доц.И.Қудратов

Самарқанд – 2013

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

МУСИҚИЙ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ

**МУСИҚА ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ВА ХАЛҚ ЧОЛҒУ
АСБОБЛАРИ КАФЕДРАСИ**

**МАВЗУ: “Муסיқа дарсларида ўқувчиларнинг нота ўқиш малакаларини
шакллантириш йўллари (Бошланғич синфлар мисолида)”**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарувчи: Бердиева Зилола

Илмий раҳбар: доц.И.Қудратов.

Битирув малакавий иши Муסיқа ўқитиш методикаси ва халқ чолғ асбоблари кафедрасида бажарилди. Кафедранинг 2013 – йил 31–майдаги мажлисида муҳокама қилинди ва ҳимояга тавсия этилди. (баённома № 10)

Кафедра мудири:

Э.К.Джалилов

Малакавий битирув иши ЯДАКнинг 2013 – йил ____ – июндаги мажлисида ҳимоя қилинди ва ____фоизга баҳоланди. (баённома № ____)

ЯДАК раиси:

Аъзолари:

Самарқанд – 2013

**Муסיқа бадий графика ва меҳнат таълими факултети «Муסיқа
ўқитиш методикаси ва халқ чолғу асбоблари» кафедраси
мажлисининг 10-баённомасидан**

КЎЧИРМА

Самарқанд
2013 йил 31-май.

Қатнашдилар: кафедра аъзоларининг 14
нафари

Мажлис раиси: Э.К.Джалилов
Котиба: Н.Қурбонова

КУН ТАРТИБИ

«Муסיқа ўқитиш методикаси ва халқ чолғу асбоблари» кафедрасида 2012 – 2013 – ўқув йилида бажарилган битирув малакавий ишларининг дастлабки ҳимояси ва уларни ҳимояга тавсия этиш ҳақида

СЎЗГА ЧИҚДИ: Э.К.Джалилов

ЭШИТИЛДИ: 2012 – 2013 – ўқув йилида бажарилган битирув малакавий ишлари билан мажлис аҳлини кафедра мудири Э.К.Джалилов таништирди ва қуйидагиларни баён қилди:

2012-2013 Муסיкий таълим йўналиши бўйича Кундузги бўлим битирувчи курс талабаси Бердиева Зилола «Муסיқа дарсларида ўқувчиларни нота ўқиш малакаларини шакллантириш йўллари (бошланғич синфлар мисолида)» мавзусида битирув малакавий иши ёзди. Илмий раҳбари Доц. И.Қудратов

. Талаба мавзу бўйича ёзган ишини кафедрага тақдим етган. Иш юзасидан илмий раҳбарнинг ижобий мулоҳазалари ҳам бор. Шунинг учун сўзни Бердиева Зилолага берсакда у ўзининг битирув малакавий ишининг мазмунини билан таништирса, марҳамат..

Бердиева Зилола битирув малакавий ишининг мазмун – моҳияти ҳақида гапириб, мавзунинг долзарблиги, ўрганиш даражаси, илмий ва Амалий аҳамияти, амалга оширилган ишлар ҳақида гапириб ўтди.

Шундан сўнг талабага Э.К.Джалилов ва доц.Ф.Обидовлар саволлар беришди: Бердиева Зилола берилган саволларга жавоб берди.

Бердиева Зилоланинг чиқиши ва савол – жавоблардан сўнг мазкур битирув малакавий ишини ЯДАК да ҳимояга тавсия этиш ҳақида фикр – мулоҳазалар билдирилди.

Ушбу масала юзасидан кафедра йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1 «Муסיқа ўқитиш методикаси ва халқ чолғу асбоблари» кафедраси Муסיкий таълим йўналиши битирувчи курс талабаси. Бердиева Зилоланинг «Муסיқа дарсларида ўқувчиларни нота ўқиш малакаларини шакллантириш йўллари (бошланғич синфлар мисолида)» мавзусида битирув малакавий иши талабга жавоб беради деб ҳисоблансин ва битирув малакавий иши ЯДАКга ҳимояга тавсия етилсин.

2. Бердиева Зилоланинг ушбу битирув малакавий ишига Самарқанд шаҳар 1-сон педагогика коллежи Муסיқа бўлими кафедра мудири Ғойипов Б. тақризчи деб белгилансин.

3. «Муסיқа ўқитиш методикаси ва халқ чолғу асбоблари» кафедраси ушбу қарорни тасдиқлаш факултет деканидан сўралсин.

Мажлис раиси:

Э.К.Джалилов

Котиба:

Н.Қурбонова

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	3-9
И.БОБ: Ўқувчиларнинг мусиқий маданиятини шакллантиришда мусиқий назарий билимларнинг тутган ўрни.	
1.1. Бошланғич синф мусиқа дарсларида мусиқа саводи бўйича ўқувчилар билим ва малакаларига қўйилган талаблар.....	10-20
1.2. Мусиқа машғулоти таркибида мусиқа саводи фаолиятининг мазмуни ва моҳияти.....	20-27
II.БОБ: Мусиқий фаолиятлар жараёнида ўқувчиларнинг нота саводхонлигини шакллантириш йўллари.....	
2.1. Ўқувчиларнинг нота ўқиш малакаларини шакллантиришга йўналтирилган машғулотларнинг ўзига хослиги.....	28-43
2.2. Ўқувчиларнинг нота ўқиш малакаларини такомиллаштириш юзасидан тажриба-кузатувлар таҳлили.....	43-48
Умумий хулосалар.....	49-51
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	
Иловалар.....	

КИРИШ

Муаммонинг долзарблиги:

Келажак бугундан бошланади-дейди доно халқимиз. Ёш авлодни келгуси ҳаёти, уни инсон қилиб кўрсатувчи руҳий ва маънавий жараённинг қай мақсадга йўналтириб келиб чиқадиган вазифаларига боғлиқ.

Бугунги кунда республикамизда келажагими бунёдкорлари бўлмиш ёш авлод тарбиясига эътибор, айниқса таълимнинг дастлабки бўғинларидан бошлаб биринчи навбатда халқимиз маданияти, санъати, тарихи, адабиёти, тили ва миллий қадриятларга муҳаббат, уларни чин юракдан ҳис қиладиган, келгусида ривожлантира оладиган маънавий ва интеллектуал салоҳиятли шахслар сифатида шакллантиришга устувор аҳамият берилаётганлиги бежиз эмас. Чунки маънавий етук, ақлий баркамол, ахлоқий эстетик маданияти барқарор шаклланган шахсни тарбиялаш ўз навбатида ижтимоий-иқтисодий, маданий, таълим-тарбия, миллий истиқлол мафкурасини яратишда асосий ва ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Инсоннинг маънавий онги, дунёқараши ва маданий камолотини шаклланишида муסיқа санъати ўзининг таъсир кучи билан алоҳида аҳамият касб этади. Президентимиз ўзининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида ҳақли равишда таъкидлаганларидек “Бизнинг ватанимизда мусиқанинг сеҳрли кучини ҳис этмай яшаётган кишини топиш қийин. Бугунги кунда айниқса мусиқа санъати бошқа санъат турларига нисбатан ёшларнинг тарбиясига кўпроқ ва кучлироқ таъсир этмоқда” 1/.

Ҳақиқатдан ҳам муסיқа инсоннинг ахлоқий ва эстетик хиссиётларига таъсир этиш хусусияти билим педагогик фанлар тизимида муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам муסיқа таълимида ушбу фанни ўқитилиши энг аввало тарбиявий мақсадларни ошириш вазифалари унинг бош вазифасини белгилайди десак асло хато бўлмайди.

Умумтаълим мактабларидаги муסיқа таълими ўзининг ташкилий, услубий тузилиш хусусияти билан бошқа фанларни ўқитилишидан кескин фарқ қилади. Бу энг аввало муסיқа дарсларининг ўзаро бири-бирига боғлиқ, бир-бирини давом эттирувчи, тўлдирувчи ва бир мақсадга йўналтирилган беш фаолият негизида уюштирилишида кўринади. Бу фаолиятлар аслида маълум бир педагогик мақсад ва вазифалар билан боғланган бўлса-да, пировардида уларнинг барчаси ўқувчиларни муסיқа маданиятини шаклланишига хизмат қилади. Масалан, муסיқа тенглаш фаолияти айна вақтда муסיқа тинглаш орқали уларни шакли, тузилиши, жанри, ғоявий-бадий мазмуни ижрочилик анъаналари, усуллари, кўп овозлилиқ, замонавий ёки композиторлик услубига ёки қардош, чет эл мусиқасига оидлиги ва ҳоказолар ҳақида ўқувчиларга умуммуסיқий- назарий билимларни эгаллашларига ёрдам беради. Қўшиқ куйлаш фаолиятида ҳам энг аввало ўрганилаётган қўшиқ тингланади, у ҳақдаги юқорида таъкидлаб ўтилгани сингари жиҳатлар ҳақида қисқа маълумотлар берилади ва

1.И.Каримов.Юксак маънавият-енгилмас куч.-Тошкент,Маънавият, 2008 йил, 44 бет.
қўшиқ қисмларга бўлиб вокал-хор, дирижёрлик, сольфеджио фани кабиларга таянган ҳолда ўрганилади. Бу жараёнда бевосита ҳам муסיқа

тинглаш ҳам муסיқа саводига оид фаолиятлар таркибига кирувчи вазифалар ўзаро бирлашади.

Ўқувчиларни муסיқани тинглашлари, уларни назарий ва амалий ижрочилик нуқтаи-назарида таҳлил қилиш, уларга тавсиф бераолиш, баҳолай олиш малакалари шаклланишига олиб келади. Қўшиқ куйлаш фаолиятида ҳам асарни темпи (характерни белгиловчи компонент), ўлчови, лад-тоналлиги, фактураси, метро-ритмик тузилиши, асарни мазмуни ва ифодавийлигини белгиловчи динамик тусларга эътибор бериш, уларга тушуниб риоя этишлари пировардида ўқувчиларни ҳам амалий ҳам назарий саводхонлиги, билим ва малакаларга эга бўлишларини таъминлайди.

Қўшиқ куйлаш жараёнида аста-секинлик билан ўқувчиларни нотага қараб куйлаш малака ва кўникмаларини шакллантириб бориш энг муҳим педагогик вазифалар жумласига киради. Бу жараён ўқитувчидан ўз навбатида ўзига хос педагогик ёндашув, иш услубларини талаб қиладики, бусиз ижобий натижаларга эришиш ҳақида ўйлаш мумкин эмас. Биз ушбу фикрлардан келиб чиқиб, республикамиздаги муסיқа педагогикасига оид илмий-тадқиқот ишлари, илмий-назарий ва методик дарслик, манбаларни кўздан кечириб чиқдик. Республикамизда муסיқанинг айрим турлари (вокал, хор, халк муסיқаси чолғулари) бўйича дарс, тўгараклар ташкил этиш ёки муסיқанинг бадиий-эстетик таъсир кучи ёрдамида ахлоқий, эстетик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мавзуларида анчагина ишлар амалга оширилган. Буларга С.Х. Файзулина, А.К. Аннамуратова, А.Ҳасанов, Ҳ.Нурматов, Ф. Ҳалилов, Қ. Мамиров, Б.Азимов, Д.Соипова, Д.Жамолова, И.Қудратов, Э.Файзуллаевларни илмий-тадқиқот ишларини мисол келтиришимиз мумкин. Бевосита муסיқий таълимнинг айрим назарий ва

методик томонлари Л.Қўлдошов, Қ.Мамиров, Е.Гудкова, Д.Соипова, М. Ахмедов, Ш.Рўзиев, Н.Қўшаев, Г.Шарипова каби педагог олимларнинг ишларида ёритиб берилган.

Биз ўз тадқиқотимиз мавзусини танлашда ушбу ишларни таҳлилий натижаларидан келиб чиқдик ва тадқиқотимиз мавзусини “Муסיқа дарсларида ўқувчиларни нота ўқиш малакаларини шакллантириш йўллари” (Бошланғич синфлар мисолида) деб танладик. Танланган мавзуимизни айнан шундай номланишда ва алоҳида тадқиқот сифатида махсус ўрганилмаганлиги унинг муסיқа педагогикасида ўзига хос долзарблигини белгилайди.

Тадқиқот мақсади: Муסיқа дарсларида ўқувчиларни нота ўқиш малакаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш, хулоса ва тавсиялар яратиш.

Тадқиқот объекти: Умумтаълим мактаблари бошланғич синф муסיқа дарсларида ўқувчиларни нота ўқиш малакаларини шакллантириш жараёни.

Тадқиқот предмети: Муסיқа дарсларида ўқувчиларни нота ўқиш малакаларини шакллантириш мазмуни, иш усул ва воситалари.

Тадқиқот вазифалари:

- Мавзуга оид дарсликлар, илмий-услубий ва тадқиқий ишларни ўрганиш;
- Умумтаълим мактаблари бошланғич синфлари муסיқа дарсларини кузатиш, таҳлил қилиш;
- Илғор, тажрибали муסיқа ўқитувчилари, соҳа мутахассислари билан суҳбатлашиш;

- Мусиқа дарсларида ўқувчиларни нота ўқиш малакаларини шакллантириш самарали иш, шакл, усул ва воситаларини аниқлаш ва амалиётга жорий этиш;

- Ўқувчиларнинг нота ўқиш малакаларини шакллантиришга йўналтирилган иш, усул ва воситалари самарадорлигини аниқлаш юзасидан тажриба-синов ишлари ўтказиш;

- Эришилган натижаларни умумлаштириш, тавсиялар ишлаб чиқиш;

Тадқиқот методлари: кузатиш, савол-жавоб, илмий-услубий манбаларни ўрганиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, хулосалаш, анкета-сўров, тушунтириш, уқтириш, намойиш этиш, тажриба-синов, математик статистика.

Тадқиқотимизнинг методологик асоси бўлиб қуйидаги манбалар ҳисобланади: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Умумтаълим мактаблари мусиқа фани бўйича Давлат Таълим Стандарти ва ўқув дастури, Президент И. Каримовнинг таълим тарбияга оид асарлари, нутқлари, фармойишлар, қарорлар, “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар”, мавзуга оид дарслик, ўқув-услубий адабиётлар, педагогика, психология, эстетик тарбияга оид манбалар.

Ҳимояга олиб чиқиладиган ҳолатлар:

-ўқувчиларнинг нота ўқиш малакаларини шакллантиришнинг долзарб муаммо эканлиги;

-ўқувчиларни нота ўқиш малакаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият мазмуни, иш шакл, усул ва воситалар;

-ўқувчиларни нота ўқиш малакаларини шакллантириш самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи хулоса ва тавсиялар.

Ишнинг илмий-амалий аҳамияти: тадқиқот мазмунидан бевосита умумтаълим мактаблари бошланғич синф мусиқа дарсларида ўқувчиларнинг мусиқий саводхонлигини ошириш мақсадида, шунингдек, мусиқа таълимига оид илмий мақола, маъруза матнлари ёзишда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг назоратдан ўтганлиги: мазкур тадқиқотимиз мазмуни “Мусиқа ўқитиш методикаси” кафедраси қошидаги фан тўғараги машғулотларида, кафедранинг январ, март (2012-йил) ойи йиғилишларида муҳокамадан ўтказилган. Юқори малакали педагог ва олимлар назаридан ўтказилиб, ижобий маънодаги тақризлар олинди.

Ишнинг таркибий тузилиши: Битирув Малакавий ишимиз Кириш, икки боб, 4 параграф, умумий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлим умумий хажми саҳифани ташкил этди.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганганлик даражаси, мақсади, тадқиқот объекти, предмети, вазифалари, методлари, методологик асослари, илмий –амалий аҳамияти, ҳимояга олиб чиқиладиган ҳолатлар асослаб берилди.

Ишнинг биринчи боби “Ўқувчиларнинг мусиқий маданиятини шакллантиришда мусиқий-назарий билимларнинг ўрни” деб номланиб, унинг мазмунида умумтаълим мактаблари бошланғич синфларида мусиқа саводи бўйича ўқувчилар билим ва малакаларига қўйилган талаблар мусиқа дарслик ва дастурларида, Давлат Таълим Стандартида белгиларган мезонлар бўйича таҳлил қилинди. Мусиқа машғулотлари

жараёнида мусиқа саводи фаолиятининг тугган ўрни, таълим мазмуни ва моҳияти ҳақида фикр юритилади.

Ишнинг иккинчи боби: “Муסיқий фаолиятлар жараёнида ўқувчиларнинг нота саводхонлигини шакллантириш усуллари” деб номланиб, унда мусиқа машғулоти жараёнида ўқувчиларнинг нота ўқиш малакаларини шакллантириш самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи иш усуллари, воситалари, уларни амалиётга тадбиғи бўйича олиб борилган изланишлар ўз ифодасини топган.

Ушбу бобда тавсия этилган иш усуллари самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишларига ҳам ўрин берилган.

Ишнинг хулоса қисмида тадқиқотни бажариш давомида амалга оширилган ишлар бўйича хулосавий фикрлар билдирилган ва бу жараёни янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар билдирилган.

И.БОБ: Ўқувчиларнинг муסיқий маданиятини шакллантиришда муסיқий назарий билимларнинг тутган ўрни.

1.1.Бошланғич синф муסיқа дарсларида муסיқа саводи бўйича ўқувчилар билим ва малакаларига қўйилган талаблар.

Маълумки, ҳар қандай ислохотларнинг бош ижрочиси ва айна пайтда ҳам субъект ҳам объекти ҳисобланган шахс, унинг дунёқараши, ҳаётий позицияси, маълум бир ихтисосликка йўналганлиги, маданий шаклланганлик даражаси кишилиқ жамиятининг ҳар бир босқичида барча муаммоларнинг моҳиятини ташкил қилиб келган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги ўтган даврда мамлакатимизни ривожлантиришнинг барча жабҳаларида, катта сиёсий ва ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилди. Ўзининг буюк, зукко, фозил инсонлари билан машҳур бўлган юртимиз келажаги саналган ёки ёш авлодни маънавий баркамол, ақлан етук, жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш давлат сиёсати даражасидаги энг устувор вазифалардан бирига айланди.

Президентимиз келажаги буюк давлатни шакллантиришга оид қарор, фармойишлари, асарлари, нутқларида фан, маданият, санъат равнақига алоҳида аҳамият бериб келади. Унда маърифат ва маънавият давлат ва жамиятни юксалтириувчи енгилмас куч сифатида тавсифланади. Бу эса жамиятимизнинг илм, фан, таълим, тарбия муассасалари зиммасига катта масъулиятни юклайди.

“Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг самарадорлиги аввало, халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг

кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожига билан узвий боғлиқдир”¹/.

Инсоннинг гўзаллик туйғусини тараққий эттирмай туриб, маънавий баркамол инсон ҳақида гапириб бўлмайди. Одамзод ўзини қуршаб турган ташқи оламда, ўзи яшаётган жамиятда, ўзи билан мулоқотда бўлаётган кишиларни, тарихий шаклланган ва муайян даврда амал қилаётган бадиий ижод намуналарида мужассамлашган гўзалликни ҳис қила олмас экан, ҳеч қачон маънавий баркамол инсон даражасига кўтарила олмайди. Мусиқа эса ана шундай нозик туйғуларни шакллантириш ва тарбиялашнинг қудратли воситаларидан биридир.

Санъат асарларининг, айниқса миллий кўшиқ ва мусиқанинг инсоннинг рухий-ахлоқий камолотига кўрсатган таъсири шу қадар кучлики, буни сўз билан ифодалаш амримаҳол.

Мусиқа санъати ўз табиатига кўра ўзгача бир олам. У мўъжизакор товушлар, сеҳрли оҳанглар олами. Зеро, кўшиқ ҳам, мусиқа ҳам, киши ҳаётидаги таассуротларнинг кучли туғёни билан туғилади.

1.И.Каримов. “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”.- Тошкент, Ўзбекистон,1995 йил. 126 бет.

Истиқлол шарофати билан Ўзбекистон Республикасида муҳим ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар рўй бермоқда. Республикаимизнинг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни қабул қилиниб, тўққиз йиллик умумий ўрта таълим жорий этилди.Таълимни демократлаштириш, индивидуаллаштириш, инсонпарварлаштириш, минтакавий хусусиятларни ҳисобга олиш тамойиллари асосида барча ўқув предметлари бўйича, шу жумладан мусиқа предметининг ҳам

ўқитиш концепцияси ишлаб чиқилди. Мазкур дастур ўз мазмуни билан миллий муסיқа мероси замирида қайта ишлаб чиқилган ва янги замон руҳи билан суғорилган.

“Муסיқа маданияти” ўқув фанинг мазмунига бўлган минимум талаблар назарий ва амалий фаолиятлар мажмуасида ташкил топиб, улар қуйидаги мавзуларни белгилайди.

Бошланғич муסיқа саводи, муסיқий асарлар ижодкорлиги фаолияти, муסיқа ижрочилиги, ашула, хор, ансамбл, оркестр ва симфоник оркестрлар фаолияти, муסיқий сахна асарлари, халқ ва профессионал муסיқаси, бастакорлар ва композиторлар ижодини, ўзбек халқ чолғу асбобларини билишни, машҳур ўзбек халқ созанда ва хонандалар ижодий фаолияти, муסיқа жанрлари, устозона мумтоз муסיқа, Шарқ халқлари муסיқаси, уларнинг таниқли намояндалари, мақом ва шашмақом, унинг машҳур ижрочилари, ўзбек миллий муסיқаси ва унинг ижрочилари каби мавзулар асосида миллий муסיқа маданиятимизни ўзлаштиришни назарда тутди.

Бу мавзулар дарс жараёнида қуйидаги фаолиятларда назарий ва амалий машғулотлар воситасида бажарилади:

1. Муסיқа тинглаш.
2. Жамоа бўлиб куйлаш.
3. Муסיқа саводи.
4. Муסיқа ижодкорлиги.

Муסיқа тинглаш ва куйлаш таълим мазмунининг асосини ташкил этади. Муסיқа асарларини куйлаш, тинглаш фаолиятлари воситасида ўрганиш билан бир қаторда чолғучилик, муסיқали ҳаракатлар, ижодкорлик фаолиятлари билан ҳар томонлама ўрганиш ва ўзлаштириш, муסיқий тавсифларни ифодалаш имконияти яратилади.

Жамоа бўлиб куйлаш фаолияти ўқувчиларни муסיқий ўқув қобилияти ҳамда ижрочилик малакаларини ривожлантириш учун зарурдир. Синфда жамоа бўлиб куйлаш жараёнида ўқувчи ўз овози ижросини бошқаришни, устозлари ижросини эшитиб, кузатишни ҳамда улар билан баҳамжихат жўрнавозлик қилишга интилиш хислатларини шакллантиради. Муסיқа саводи барча билимларни назарий бирлаштирувчи фаолият сифатида муҳимдир.

Дарс жараёнида қайси фаолият машғулоти (тинглаш, ижро этиш, муסיқий ҳаракатлар) бўлмасин, берилган мавзудаги асар ўрганилади ва унинг хусусиятлари (жанри, шакл, тузилиши, ижрочилиги) ҳақида янги тушунчалар ҳосил бўлади.

Муסיқа саводи фаолиятида, нота, нота чўзимлари, уларнинг ёзилишлари, нота йўлидаги жойлашуви, товуш, товушқатор, ўлчов, ритм, темплар (суръат), алтерация белгилари, интерваллар, динамик белгилар, оддий муסיқа шакллари ва жанрлари, мажор ва минор ҳақида тушунчалар берилади.

Шуни алоҳида эътиборга олмоқ зарурки, муסיқа идроки ва (тинглаш) муסיқа саводи фаолияти ўзаро узвий боғланиш билан қолган барча фаолиятлар амалиётига етакчилик қилади.

Умумтаълим мактаблари, “Муסיқа маданияти” фанида ўқувчиларнинг муסיқа саводига хос билимларни шакллантиришда албатта мана шу фаолият турларига алоҳида эътиборни қаратиш зарурдир. Яъни, муסיқанинг ифодавий тили: куй, оҳанг, гармония, ритм, тембр, суръат, ўлчов регистр, лад, мажор ва минор ладларини ўзаро фарқлай билиш, буларнинг ҳаммаси ўқувчиларнинг муסיқий онгини, тасаввурини бойитади ва шакллантиради. Ўқитувчи бу назарий ва амалий кўникмаларни ўқувчиларда шакллантиришда уларнинг

бошланғич синфларда олган музикаий назарий билимларига таянган ҳолда иш олиб бормоғи ва ҳар бир музикаий атамани кўргазмалар, кўроллар, чизмалар, схемалар, жадваллар ва маълум куй, кўшиқни ифодавий воситалари мисолида кўрсатиб бориши муҳим аҳамият касб этади.

Умумтаълим мактабларининг музика фани бўйича давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури (Бошланғич синфлар) мазмунида у ўқувчиларни музика саводи, яъни, музиканинг ифодавий воситалари, хусусан нота саводхонлиги ва улар эгаллаши лозим бўлган билим ва малакалар мезонлари, асосан ўқувчиларда нота ўқиш, нотага қараб куйлашнинг дастлабки билимларини ҳосил қилишга қаратилгандир. Шунинг учун ҳам музика дарсларининг қайси фаолият турида бўлмасин, ўқувчиларни назарий билимларни ёки бир сўз билан айтганда нота ўқиш малакаларини шакллантириб бориш ҳар бир ўқитувчининг диққат марказида бўлиши керак. Чунки, бу жараёнда ўқувчилар куйни (товушни) ёзувда қандай ифодаланишига оид маълумотлар билан танишиб борадилар. Бунда товуш чўзими, унинг белгилари, нота чизиғи, унда товушларни жойлашиши, саналиши, ўқилиши, тактларда туркумланиши, ўлчовлар, паузалар, қайтарилиш белгилари, динамик туслари билан танишиб борадилар. Нота ёзувига қараб куйлаш давомида уларнинг бу борада тушунча, тасаввур, кўникмалари мустаҳкамланиб боришига кенг имконият яратилади. Шунинг учун ҳам ўқувчилар билан нота саводхонлигига оид ўқув материаллари, билим ва тушунчалар биринчи синфданок бошланади.

Шунинг учун ҳам музика фани бўйича бошланғич синфларнинг Давлат Таълим Стандарти ва ўқув дастуридаги “ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган минимал талаблар” да музика

саводхонлигига алоҳида урғу берилган. Чунончи: мусиқа оҳанглари ёрдамида инсон руҳиятини ҳамда табиатни бадиий ифодалашга оид меъёрлар:

- мусиқа бадиий санъат эканлиги ҳақида тушунчага эга бўлиш;
- куйга тавсиф бера олиш;
- халқ, бастакорлик ва композиторлик мусиқа мероси ҳақида тушунчага эга бўлиш;
- нота ёзувларини билиш ва амалда қўллаш;
- чолғу асбоблари (рубоб, дутор, доира, пианино, най, чанг, ғижжак, аккордион, скрипка ва бошқалар) ни билиш;
- мусиқага оид оддий атамаларни билиш;
- биргаликда ва якка ҳолда куйлаш;
- мусиқанинг ифода воситаларини билиш;
- ижрочилик турларини ижро садоларидан фарқлай олиш.

Энди ушбу умумий билим ва тушунчаларни синфлар ва ҳар бир синфнинг (1-4-синфлар) йил ва чорак ўқув машғулотлари мисолида кўриб чиқамиз.

1. 1-синф. Йил мавзуси “Биз мусиқани севамир”. 1-чорак мавзуси “Биз ёқтирган куй ва қўшиқлар”. Ушбу чорак давомида ўқувчилар мусиқа саводи бўйича энг оддий атама ва тушунчалар ҳақидаги тасаввурларга эга бўлишлари кўзда тутилади. Яъни, улар мусиқа товушлари, баланд ва паст товушлар, узун ва қисқа товушлар ҳақида тасаввурлар ҳосил қиладилар. Бу тушунчалар куй ва қўшиқларни тинглаш ва куйлаш жараёнида таркиб топтирилади.

2- чорак. “Мусиқали ўйинлар ва қўшиқлар” деб номланади. Бу чоракда ўқувчиларга куйидаги назарий билимлар берилади: - баланд-паст, узун-қисқа товушлар ҳақидаги тушунча ва тасаввурлар мустаҳкамланади, До-

мажор (унқатор)ни нота чизигидаги жойлашув ўрнига қараб куйлашга киришилади.

3-чорак. “Хушнаво чолғуларимиз” деб номланади. Мусиқа саводхонлиги доирасида ўқувчиларга куй йўналишини (ҳаракатини), товушлар чўзимини, нота чизигидаги ўрнини график чизиклар орқали ифодалаш орқали машқлар бажарилади. Куй чизмасидаги узун ва қисқа товушлар устида чорак ва нимчорак ноталарни ёзиб куйлашиги эътибор қаратилади.

4-чорак. “Хушнаво чолғуларимиз”. Қўшиқ куйини график чизикларда ифодалаб, уни сўзлари билан (плакатга қараб) куйлаш, чорак ва нимчорак нота ёзувлари ҳақида билимларни мустаҳкамлаш ва болалар чолғу асбобларида куйга ритмик жўр бўлиш кўникмалари устида иш олиб борилади. Ўқув йили давомида оддий дирижёрлик қоидалари “диққат”, “ауф такт”, “бошлаш”, “тугаллаш” кўникмалари ҳосил қилинади.

2-синф. Йил мавзуси: “Ижрочилик турлари, мусиқанинг ифода воситалари”.

1-чорак мавзуси “Якканавозлик, журнавозлик, жўрсозлик” деб номланади. 1-чи чоракда мусиқа саводи фаолиятида ёки бутун фаолиятлар жараёнида ўқувчиларнинг қуйидагича назарий билим ва малакаларга эга бўлишлари кўзда тутилади. Ўқувчилар чорак ва нимчорак ноталарни куйлаш устида ишларни давом эттирадилар, нота йўли (беш параллел чизик, уларни номланиши) билан танишадилар,

Машғулотлар давомида ўқувчилар “Скрипка калити” (Соль калити), ёзилиши, бажарадиган вазифаси, шунингдек “соль” товушини нота йўлидаги ўрни ва ёзилиши ҳақида билиб оладилар.

2-чорак. Мавзу “Якканавозлик ва яккахонлик. Чолғучилар ва хонандалар дасталари”. Нота саводхонлиги бўйича нота йўлида ми, ля товушларини ёзилишини ўрганадилар. Шу жараёнда тингланган ёки жамоавий ижро жараёнида амал қилиш талаб қилинган музиканинг ўзга ифода воситалари – темп, ритм, дирижёрлик қоидалари, регистр, ритмик чўзимлар ҳақидаги билим ва тушунчалар ҳам ривожлантириб борилади.

3-чорак. “Даста турлари. Куй нима? Куйда нималар ифодаланади?” Чорак давомида нота саводхонлиги бўйича нота йўлида До, Ля товушларини ёзилиши билан танишиш талаб қилинади. Ўқувчиларга асосий 7 товушни нота чизикларида ёзиш топшириғи берилиб, уларни бу борада билим ва тушунчалари мустаҳкамланади.

4-чорак. Мавзу: “Музиканинг ифода воситалари”. Муסיқа саводи бўйича илк бор мажор ва минор тоналликлари, уларни асосий уч товушликлари куйлаш билан фарқлашга ўргтилади.(До мажор ва Ля минор мисолида).

С – дур.

А- молл.

Шундан сўнг До мажор товуш қаторини 2/4 ва 3/4 ўлчовларида тактлаб куйлаш машқлари бажарилади.

3-синф. Йил мавзуси “Муқанинг ифода воситалари”. 1-чорак.”Муқанинг ифода воситалари”. Айрим машқ ва қўшиқ нота ёзувини кичик қисмларини нота ёзувига қараб куйлаш. Бунда дастлаб ўқитувчи ёрдамида, сўнгра унга эргашиб ва кейин мустақил куйлашга ўргатилади.

2-чорак Мавзу: ”Хор ва оркестр”. Нота саводхонлиги бўйича айтим машқлар ва қўшиқ қисмларини ва нота ёзувига қараб куйлаш

малакалари устида иш олиб борилади. Мажор ва минорни эшитиб фарқлашга эътибор қаратилади.

3-чорак. “Музиканинг тузилиши”. Айтим машқлар ва қўшиқларни ўқитувчига эргашиб нотага қараб, олдин нота номи билан, сўнгра қўшиқ сўзлари билан куйлаш, мажор ва минор ладларини **1,2,3,4,5** – босқичлари ҳақида аниқ билимларга эга бўлиш, шунингдек **диез, ва бемол каби** алтерация белгилари билан танишишлари лозим бўлади.

4-чорак. Мавзу: (Оддий музика шакллари. Банд ва нақорат). Мажор ва минор учтовушлиги ва бутун товуш қаторни нота ёзувига қараб куйлаш, алтерация белгилари диез - , бемол- бекар- ҳақидаги билимлар устида иш олиб борилади.

4-синф. Йил мавзуси: “Ўзбек халқ музика ижоди”. 1-чорак. “Халқ айтимлари ва чолғулари”. Бунда қуйидагича назарий билимларни эгаллаш кўзда тутилади:

- тон ва ярим тон ҳақида билимларни мустаҳкамлаш;
- лад (мажор ва минор) ҳақида билимларни мустаҳкамлаш;
- 4/4 ўлчови билан танишиш, машқ ва айтимлар мисолида ўрганиш;
- 2/4, 3/4, 4/4, ўлчовларини кучли , кучсиз ҳиссаларига кўра фарқлаш;
- дирижёрлик ишораларига қараб, уни тушуниб куйлаш.

2-чорак. Мавзу: “Байрам ва маросим қўшиқлари”. Нота саводхонлиги: До мажор, Соль мажор ва Ля минор, Ми минор тонликларини қиёсий ўрганиш, тонлик ҳақида тушунча ҳосил қилиш, қўшиқлар мисолида 6/8 ўлчови билан танишиш.

3- чорак. Мавзу: “Мавсум қўшиқлари”. Мажор ва минор товуш каторларни нота () номлари ва сўз бўғинлари, (ля, ма, ми, да ва хаказо) билан куйлаш. Ўқитувчи овозига жўр бўлиб сўнгра мустақил равишда до мажор, ля минор, соль мажор, ми минор тоналликларини дирижёрлик қилиб (2/4, 3/4, 4/4 ўлчовларида) куйлаш.

4- чорак. Мавзу: “Баҳор фасли қўшиқлари”. Фа мажор, Ре минор тоналликлари асосий (турғун) товушларини куйлаш. Уларни турли ритмик чўзимда ва 6/8 ўлчовида куйлаш. Машқ ва қўшиқларни нота ёзувига қараб аввалига сольфеджиолаш услубида, сўнгра сўзлари билан куйлаш малакалари устида иш олиб бориш.

Кўринадикки, бошланғич (1-4- синфлар) да ўқувчиларда ҳосил қилинадиган назарий билимлар уларга назарий билимларни мукаммал ўрганишни эмас, энг оддий атамалар, мусиқани ифода воситалари ҳақидаги бошланғич маълумотларни эгаллаш ва шу орқали уларда нотага қараб куйлаш, яъни нота ўқиш малакаларини шакллантиришга қаратилади.

1.2. Мусиқа машғулоти таркибида мусиқа саводи фаолиятининг мазмуни ва моҳияти.

Умумий ўрта таълимнинг барча фанларида бўлгани каби, мусиқий таълимнинг ҳам ўзига хос дидактик тамойиллари, педагогик ва методик ёндашувлари мавжуд. Мусиқа тинглаш, уни идрок этиш, мусиқа назарияси (нота саводхонлиги) ва нотага қараб, уни ўқиш орқали (читка с листа.) куйлашга эришиш, биринчи навбатда. дарснинг ҳар фаолиятини тўғри йўлга қўйиш ва улардан унумли ва тўғри фойдаланишга боғлиқдир. Қўшиқ куйлаш ва мусиқа тинглаш

жараёнида ўқувчиларнинг музикаий-бадий образларни теран, онгли ва бадий идрок этишлари учун зарур бўлган музиканинг бадий ифода воситалари ҳақида керакли билим, малака ва тушунчаларга эга бўлиши музикаий таълим мазмунида ҳам асосий таянч омил ҳисобланади.

Шундай экан, музика ўқитиш методикаси хусусий вазифаларда, масалан: кўшиқ ўрганиш ва шу фаолият негизидан аниқ вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган назарий қоидаларни пухта ўзлаштириш мақсадини ҳам қамраб олади.

Ўқувчилар учун музика гўёки сеҳрли олам. Уларни ана шу сеҳрли оламга олиб кириш учун аввало, музикага қизиқишни кучайтириш, музикаий эшитиш (слуҳ) қобилиятини ривожлантириш, музикаий тафаккур, музикаий дидларини ва музикаий дунёқарашларни шакллантириш керак. Музика дарслари мазмунида фақатгина музикаий билим ва малакаларни ўзлаштириш эмас, балки ўқувчиларни онгини, воқиеликка муносабатини ривожлантириш назарда тутилади.

Музика маданияти дарслари жараёнида ўқувчиларга музиканинг назарий қоидаларини ўргатиб бориш барча фаолиятлар мазмунида ўз аксини топади ва ўқувчиларни ҳар бир фаолиятни онгли суръатда, саводхонлик асосида бажаришларига замин яратади. Музика дарсларидаги “Музика саводи ” фаолиятининг асосий мақсади ўқувчиларнинг музика тинглаш, кўшиқ куйлаш, музикага мос ҳаракатлар бажариш ва болалар музика асбобларида чалиш каби фаолиятларида олган барча билим, малака ва кўникмаларини назарий жиҳатдан умумлаштиради. Шунга кўра айтиш мумкинки, музика саводи фаолияти дарсда таълимий вазифани бажаради. Қолган фаолиятлар эса кўпроқ тарбиявий мақсадларни кўзда тутди.

Бошланғич синф мусиқа дарсларида мусиқа саводи фаолиятининг асосий негизи ва педагогик мақсади янги дастурларда берилган чорак ва йил мавзулари бўйича куйлаш ва тинглашга доир куй ва қўшиқларни саводли таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Бошланғич синфларда мусиқа саводи, яъни назарияга оид билимлар қуйидаги босқичлар бўйича ўргатилади:

1. Болалар диққатини мусиқанинг асосий ифода воситалари – куй, регистр, темп, ритм, динамик белгилар, нота белгилари, чўзимлари, нота чизиғи, калитлар ва бошқаларга қаратилади.

2. Овоз созлаш ва қўшиқ ижро этиш қоидаларига мансуб бўлган билимлар, чапак ва чолғу асбоблар чалиш қоидаларига амал қилишга ўргатиш;

3. Мусиқа асарининг ижодкорлари бўлмиш “композитор ёки бастакор”, “ижрочи”, “тингловчи” кабиларнинг ўрнини, аҳамиятини, ўрганиладиган асар ғоявий-бадий мазмуни билан боғлиқ равишда керакли маълумотларни мусиқа саводи амалиёти орқали ўрганиб бориш.

Мусиқа дарсларида белгиланган ушбу педагогик мақсадлар барча мусиқий фаолиятлар яхлитлигида олиб борилганда, ўқувчиларда мусиқий малакаларни шакллантириш жараёни самарали кечади.

Масалан, биргина қўшиқ куйлаш фаолиятини олиб кўрайлик. Бирор қўшиқ ўргатишдан аввал ўқитувчи шу қўшиқнинг ижодкорлари ҳақида гапириб беради. Бу ерда мусиқа саводининг бир бўлими – мусиқа тарихи иштрок этади. Ўргатилаётган қўшиқ матни ва нотаси доскага ёзилади. Кейин магнитофон ёзувида ёки ўқитувчи ижросида қўшиқ тингланади. Ўз-ўзидан мусиқа тинглаш фаолиятига дуч келамиз. Қўшиқ тинглагандан сўнг ўқитувчи ёрдамида ўқувчилар куйнинг

характери, ифодавий воситалари, қайси жанрга тегишли эканлиги, қандай жамоа учун ёзилганлигини аниқлайдилар. Бу ерда эса мусиқа асари таҳлилига оид билимларга мурожаат этамиз.

Халқ қўшиқларига ва куйларига асосланган, қайта ишланган ва хор ижросига мослаштирилган қўшиқларни ўрганганда ўқитувчи халқ мусиқа ижодиёти, унинг муҳим ривожланиш босқичларига тўхталиб ўтади. Сўнгра асосий мақсад-қўшиқни ўрганиш жараёни бошланади. Ўрганилаётган қўшиқ яхши идрок қилиниши учун қўшиқнинг маъно ва мазмунига мос ритмик ҳаракатлар бажариш, нотани ўқий олиш малакалари мақсадга мувофиқ келади. Масалан, нота ҳаракат йўналишига мувофиқ куйлаш, динамик ишораларни англаш ва ҳоказо.

Бу жараёни амалга оширишда тафаккур, диққат, хотира, мусиқий эшитув ва бадиий-эмоционал кўтаринки руҳ муҳим роль ўйнайди. Педагогика ва психология фанлари шуни таъкидлайдики, болаларда мусиқий, бадиий ва назарий малака ва кўникмаларнинг ривожлантиришнинг барча турларига бу нарсалар бевосита алоқадордир, қолаверса бутун таълим жараёнини буларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мусиқа дарсларида хотирани кучайтириш ва ривожлантиришнинг асосий услубларидан бири дарсларни соддадан-мураккабга, қуйидан-юқорига қараб бориш принципларига асосланган ҳолда уюштиришдир.

Мусиқа дарсларида мусиқий ва назарий билимларни ўқувчиларга сингдириш машғулотларни педагогик, методик жиҳатдан тўғри уюштириш билан бир қаторда, мактабдаги мавжуд шарт-шароитларга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бунинг учун аввалам бор мактабларда мусиқа дарслари учун алоҳида хона бўлиши ва керакли мусиқа асбоблари, кўргазмали, техник воситалар билан жиҳозланган бўлмоғи

лозим. Синф хоналари кенг, ёруғ, ҳаракатланиш учун қулай бўлиши, стол ва стуллар нота ёзуви учун мўлжалланган доска, музика тинглаш учун магнитофон ёки музика марказ, қўшиқлар тўпламлари, дарсликлар билан таъминланган бўлиши даркор.

Музика хонасидаги жиҳозлар талабга мувофиқ жойлаштирилиши, синф деворларига таниқли ўзбек ва жаҳон музика маданиятининг йирик номоёндалари портретлари қўйилиши ҳам муҳим жиҳатлардан саналади.

Музика таълими бир қатор ўзига хосликларга эга бўлганлиги боис, ўқитувчидан жуда катта педагогик маҳорат талаб қилади. Тажрибали ўқитувчи дарсларни шундай ташкил этиши лозимки, унда қўшиқ куйлашга ҳам, музика тинглашга ҳам, музика саводига ҳам, ўқувчиларнинг билимларини текширишга ҳам имконияти етсин, умуман кўзланган мақсадга эришсин.

Атоқли рус музика педагоги ва назариётчиси Б.В.Асафьев умумий ўрта таълим мактабларида музика дарсларида ўқитишнинг асосий тамойили сифатида қуйидагиларни кўрсатади:

1. Музика тарбияда контрастлик.
2. Бадиийлик.
3. Импровизация.

Б.Асафьев умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиси билиши керак бўлган сифатларни таъкидлаб, шундай дейди: “Умумий ўрта таълим музика ўқитувчиси музика соҳасининг фақатгини бир йўналишида “мутахассис” (яъни ё чолғучи, ё қўшиқчи ва ҳокозо) бўлмаслиги керак. У ҳам назариётчи, ҳам амалиётчи, музика адабиёти, этика, эстетика, педагогика, психология, ёш физиологияси бўйича яхши билим ва малакага эга бўлган ҳолда ўқувчининг диққатини доимо

керакли тарафга жалб қила олиши керак.” Умумий ўрта таълим мактабларида муסיқа дарслари адабиёт, тасвирий санъат дарслари катори бадий предмет саналади. Бу фанларнинг вазифалари муштарак келади.

Шу ўринда муסיкий билимларни ўргатишда яна муҳим бир омилга алоҳида тўхталишни жоиз деб биламиз. Бу муסיкий тарбиянинг психологик омилларга боғлиқлик хусусиятидир

Муסיқа инсон ҳиссиётлар ҳолатининг барча товланишларини акс эттиришга қодир. У энг мураккаб туйғулар, нозик кечинмалар ва кайфият ҳолатини ифода эта олади. У руҳий ҳолат хусусиятларини ифодалаш билан инсонни қуршаб олган атроф-муҳит ва у мансуб бўлган миллатга хос ҳаётий қурилиш ва миллий руҳни ўзида мужассамлаштириш қудратига эга. Буюк бастакорлар ижодида у ёки бу халққа хос бўлган руҳий тизим хусусиятлари, туйғулар воқеликни тасвирлаш имкониятлари яққол кўзга ташланади.

Буюк олим И.П. Павлов инсон кечираётган турли ҳис туйғулар бош мия ярим шарлари пўстлоқ қисмининг фаолияти эканлигини далиллайди. атроф муҳитнинг инсон организмига доимий таъсири ва реакцияси натижасида маълум муносабатлар тизими вужудга келади. Олим буни **динамик стереотип**- деб атади. Бу стереотип кишидаги ҳиссиётларнинг физиологик ва психологик табиатни чуқурроқ ўрганишда катта аҳамиятга эгадир.

Айтилганлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, муסיкий билим ва малакаларини тўла идрок этиш ва ўзлаштириш учун инсон психологиясининг фаолияти хилма-хил психик омилларга эга бўлади. Муסיкий-назарий билимларни ўзлаштиришдан мақсад ўқувчиларнинг муסיкий асарнинг лад, ўлчов, темп, динамика, регистрини айтиб

боришлари эмас балки, музиканинг юқоридаги ифода воситалари орқали уларда шахсга хос бўлган хусусиятларни: ижодий қобилият, диққат, музикий хотира, тасаввур, фаолликни, ташаббускорликни шакллантиришдир.

Ўқувчилар ҳиссиётининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг муайян шароит билан боғлиқлигидир. Болаларда содир бўладиган ҳиссий кечинмалар муайян бир шароитда вужудга келади. Шунга кўра уларни қизиқтирадиган диққатларини жалб қиладиган шароитни яратиш, уларда эстетик ҳиссиётининг, музикий маданиятини ўстиришнинг энг муҳим шартидир. Ўқувчилар муайян бир музикани тинглар эканлар музиканинг ранг-баранг овозлари, ифода воситаларини, характер ва кайфиятини фарқлашни, эшитилган асарни қайси жанрга мансублигини, мумтоз, эстрада ёки бошқа музикаларни бир-биридан фарқлай олишни ҳиссий-эмоционал жиҳатдан идрок эта борадилар. Музикий дид, музикий дунёқарашнинг шаклланишида дарсдан ташқари ва мактабдан ташқари ишларнинг қай даражада йўлга қўйилганлиги, ўқувчиларнинг яшаш шароитлари, оиладаги муҳит ва оиланинг музикага нисбатан муносабатлари ғоятда муҳимдир.

Хулоса қилиб айтганда музика таълими ва тарбияси олдида қўйилаётган замонавий талабларни мукамал адо этиш, ўқувчиларнинг ўқув дастури материалларини мувоффақиятли ўзлаштиришлари жуда кўп ва хилма-хил омилларга боғлиқ бўлиб, бу омиллар тизимида мактабда музика дарсларини олиб бориш учун яратилган педагогик шарт-шароитлар ва музика таълими мазмунини белгилашга хизмат қилувчи турли хил керакли манбаларни мавжудлиги алоҳида аҳамият касб этади. Бундай шарт-шароитни яратишда ҳам биринчи галда ўқитувчининг ижодий изланувчанлиги, интилувчанлиги,

ташаббускорлиги, фаоллиги ва ўз касбиги ва болаларга меҳр-муҳаббати етакчи ўрин тутуди.

III. БОБ: Мусиқий фаолиятлар жараёнида ўқувчиларнинг нота саводхонлигини шакллантириш йўллари.

2.1. Ўқувчиларнинг нота ўқиш малакаларини шакллантиришга йўналтирилган машғулотларнинг ўзига хослиги.

Бошланғич синфларнинг мусиқа дарсларида мусиқа саводи фаолияти дарснинг етакчи таркибий қисмларидан бўлсада, мусиқий ва мусиқий назарий билимларни бериш дарснинг алоҳида бир қисми сифатида чекланиб қолмаслиги билан муҳим аҳамият касб этади. Чунки, дарс фаолиятлари дарснинг узвий мантиқий, давомийликдаги тугал жараёнлари бўлиб, қўшиқ куйлаш, мусиқа тинглаш фаолиятлари охироси оқибат ўзининг мақсад ва вазифаларига кўра назарий саводхонлик билан мантиқий боғланади. Чунки, бу фаолиятларда олиб бориладиган таълимий вазифаларни таҳлил қилинганда ҳам айнан шундай хулосага келишимиз аниқ. Масалан, қўшиқ куйлаш фаолиятида қўшиқ тоналлиги, ўлчови, темпи, жанри, жўрли, жўрсизлиги, унисон ёки кўп овозлилиги, дирижёрлик ишоралари, динамик белгиларини тушунган ҳолда ижро этиш асарни бадиий таъсирчан ва ёқимли бўлишини таъминлайди.

Мусиқий асарни тинглаш орқали уни тўғри идрок этиш, лад тоналлигини фарқлаш, характери, мазмуни, жанри, шакли, ифода воситаларини бадиий ва назарий таҳлил қилиш ҳам ўқувчиларни мусиқий-назарий, яъни, нота саводхонлигини таркиб топтиришга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам мусиқа саводи, хусусан, нота ўқиш малакаларини ривожлантиришга йўналтирилган билимларни

ўқувчиларга ўргатиб бориш ва шу асосида уларни муסיқа назарияси ва амалиётидан саводли қилиб тарбиялаш вазифаларини ҳал этишга йўналтириш яхши самара беради.

Бу фаолиятни биринчи синфдан, дастлабки дарслардан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Муסיқа саводи, яъни назариясига оид билим ва тушунчалар жуда мураккаб кечади. Ҳали ҳарф ўрганаётган болаларга нота ёзуви ва турли ифодавий белгилар қоидаларини ўргатиш ва ўқувчилар томонидан уларни ўзлаштирилиши жуда ҳам жиддий психологик ва педагогик ёндашувлар асосида иш тутишни талаб қилади.

Биринчи синфнинг биринчи ва иккинчи чораклари дастлабки **тайёрлов** босқичи ҳисобланиб, айти бу даврда ўқувчиларда бадиий фаолиятларнинг барча турларини шакллантириш билан боғлиқ ўқув – дарс машғулотлари бошланади.

Муסיқа ўқитувчиси ўзининг ҳамда ўқувчиларнинг дарс давомида қиладиган таълимий ва таърибиявий ҳатти-ҳаракатларини ҳар-хил қизиқарли усулларини ишлаб чиқиши учун муסיқа ўқитувчиси қуйидагиларни билмоғи лозим:

1. Бошланғич синф ўқувчиларининг муסיкий фаолиятларини уюштириш шакллари;

2. Ўқув дастури мазмуни, дарсликлардан ўрин олган ўқув материалларининг ғоявий-бадиий мазмуни, назарий асосларини, дидактик усул ва принципларини;

3. Ўқувчиларнинг ёш, индивидуал, психологик ва физиологик хусусиятларини;

4. Муסיқа дарсларида ўрганиладиган муסיқий асарларнинг ва назарий билим ва тушунчаларнинг бадий хусусиятлари ҳамда энг муҳим тарбиявий аҳамиятини;

5. Мактабда ва мактабдан ташқари олиб бориладиган таълимий ва тарбиявий машғулотларнинг самарали иш шакл ва усуллари излаб топиш ва уларни ўзига хос қизиқарли ва мазмунли ташкил этишни;

6. Дарсларни конструкциялаш;-

- режа-конспект тузиш;
- керакли муסיқий асарларни тўплаш, яъни репертуар йиғиш,
- керакли кўргазмали қуроллар ва техник воситаларни ҳозирлаш;
- дарснинг ташкилий тузилиши, шакл ва усуллари излаш.

7. Педагогик масалаларни формулалаш ва унинг ечимини аниқлаш;

8. Ўқувчиларнинг муסיқий қобилиятларини очиб берувчи машғулотларни қизиқарли шаклларига эътиборни кучайтириш (ўқувчиларни турли кўрик-танловларга ва ижодий ва ҳисобот концертларга тайёрдаш);

9. Ўқувчилар эгаллаб бораётган билимларни кийинги ўзлаштириладиган билим ва малакаларга тайёрлаб бориш.

Ўқитувчи дарс жараёнида ўқувчиларни дифференциал гуруҳларга бўлиб, иш тутиши яхши натижа беради. Бунда муסיқий қобилияти, диққати, хотираси суст ўқувчилар олдинги қаторларга, муסיқани яхши эшитадиган, ўзлаштириши яхши бўлган болаларни орқа қаторларга жойлаштириши лозим. Айрим ҳолларда “бўш” ўқувчиларни “кучли”, “қобилиятли” болалар ёнига ўтқизиш ҳам самарали усуллардан ҳисобланади.

Бошланғич синфларда мусиқа назариясига оид билим ва тушунчалар ўқувчиларни маълум куй ёки қўшиқни тинглаш ва куйлаш, рақс ва ритмик ҳаракатларни бажариш жараёни билан боғлиқ равишда тушунтириб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқувчиларга тушунтириладиган назарий мавзулар ҳеч қачон бир дарсни қамраб олмаслиги керак. Чунки, ўқувчилар диққати, хотираси, уларни қабул қилишга ҳали тайёр эмас. Олайлик биринчи синфда дастлаб болаларнинг товушларни йўғон (паст), ингичка (баланд), узун, қисқа, тембр (СУРЪАТ), ва кучини фарқлашга ўргатишга асосий эътибор қаратилади. Ўйин шаклида бериладиган бир қатор топшириқларни бажаришда ўқувчилар мусиқа товушларини тинглаш, қиёслаш, фарқлаш, уларни ёзилишини машқ қилиш, уларни куйлаш, ҳаракатли рақс элементларини бажариш, қарсак (чапак) чалиш, шиқилдоқ, қошиқ, доирача сингари мусиқа асбобларини чалишади.

Баланд ва паст товушлар ҳақидаги тушунчалар орқали товушларнинг бир-биридан фарқи, турли ҳайвонлар ёки мусиқа асбоблари мисолида тушунтирилади. До мажор (ун қатор) ни тушунтиришда товушлар кетма-кетлиги зинапоячалар ифодасидаги тасвир орқали берилганда болалар уларни осонгина фарқлайдилар ва ёдида олиб қоладилар.

Биринчи синфда ўқувчиларнинг мусиқа назариясига оид билимлари нисбий бўлиб кийинги синфларда аниқ (абсолют) тушунчаларга айланади. Шунингдек, биринчи олинган билимлар асосан нотагача бўлган давр сифатида номоён бўлади.

Бошланғич синфларда нота саводхонлигини ўргатишга қўйиладиган асосий талаб – дарс жараёнида олинган музикалий назарий

билимларни бошқа фаолиятларда – кўшиқ айтиш, мусиқа тинглаш ва мусиқага ритмик жўр бўлишда қўллай олишларига эришишдир.

Дарсда ҳар бир фаолият билан шуғулланганда ўқувчилар куйлаётган, жўр бўлаётган ёки тинглашаётган асарларнинг ким томонидан яратилганлиги, қайси ладда ёзилганлиги, асарнинг темпи, ўлчови, ритми, шакли, динамик белгилари ва ҳокозоларни қисман бўлса ҳам аниқлашлари, уларни ичдан ўқиш малакаларига эга бўлишлари лозим. Мана шу жараёнда мусиқий-назарий билимлар муҳим ўрин тутди.

Мусиқий - назарий билимлар тўғри йўлга қўйилмаган, саёз ва бир тизимга солинмаган бўлса ҳам, ўқитувчи имкони борича дарсларни кўргазмали қуроллардан, замонавий техник воситалардан фойдаланган ҳолда дарс ўтиши мақсадга мувофиқдир.

Биринчи синфда мусиқа саводи бошланғич билимларни беради. Назарий маълумотларга киришишдан олдин ўқитувчи ўқувчиларни мусиқага муносабатини эҳтиёткорлик билан аниқлаб, улар билан мусиқий мулоқотга киришади. “Сиз қандай кўшиқларни биласиз” “Рақсга тушишни ёқтирасизми”, “Қайси чолғу асбобларида чалишни истайсиз” деган саволлар билан уларни суҳбатга тортади. Шундан сўнг “Энди мен сизларга мусиқа аслида нима эканлиги ва қандай пайдо бўлганлиги ҳақида гапириб бераман” -... деб бу ҳақда қисқача тушунчаларни гапириб беради. Шундан сўнг мусиқанинг ифода воситалари билан таништиришга киришилади. Бу жараёнда ўқувчилар нота ёзуви, ноталар чўзими, жойлашуви, калит белгилари билан қисман танишадилар.

Муסיқа бошқа санъат турлари каби инсонларнинг ўзаро мулоқот қилишига ёрдам берувчи воситадир. Шу боис, муסיқа тилини яхши тушуниш учун унинг энг муҳим ифода воситаларини билиш зарур.

Ўқувчиларнинг муסיқий - назарий билув жараёнида муסיқа тинглаш ҳам муҳим ўрин тутади. Муסיқа тингламасдан муסיқа маданиятини таркиб топтириш мумкин эмас. Муסיқа тинглаш жараёнида ўқувчилар турли характердаги қувноқ, шўх, рақсбоп, марш каби муסיқаларни тинглайдилар. Ўзбек қардош халқлар ва жаҳон муסיқаси дурдоналари билан танишадилар.

Муסיқани севиш ва тушуниш учун аввалом бор уни тинглаш сўнгра уни нота ёзувини таҳлил этиш лозим.

Умумий ўрта таълим мактаблари муסיқа дарсларида ўзлаштириладиган муסיқий- назарий бошланғич тушунчаларни қуйидагича белгилаш мумкин: муסיқанинг ўзига хос хусусиятлари, айрим қонуниятлари, ифода воситалари – буларнинг барчаси охир оқибат нота саводхонлиги билан боғланади. Демак муסיқа саводи – муסיқа санъати ҳақидаги бошланғич тушунчалар тизимидан иборат экан.

Муסיқа саводининг асосий калити ва педагогик манбаи чорак мавзулари ва уларни ёритиш учун танланган куйлаш ва тинглашга доир асарлардир. Мақсад куйлаш, тинглаш давомида ўқувчиларда асарларни ёзилишга оид нота ўқиш – яъни нота саводхонлигини шакллантиришдан иборатдир. Болалар ҳар бир дарсда асарларни нота ёзувига қараб ижро этиш, сольфеджио қилиш, темп, ритм, тембр, динамика белгиларини онгли равишда идрок этиб, янги тушунчаларга эга бўлиб боришлари лозим. Мазкур тушунча билимларнинг бойиб бориши аста-секин

ўқувчида нота саводхонлиги ва маданиятини шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Биринчи синфда муסיқа саводи ҳақида бериладиган билимларни қуйидагича белгилаш мумкин: 1) Болаларнинг диққати мусиқанинг ифода воситалари – куй, регистр, темп, ритм, динамикаларга жалб этилади. Дастлабки машғулотлардан бу терминларнинг қоидадини таърифлаш билан тушунтириш қийин. Масалан, куйланган қўшиқ мусиқасидаги характер(қувноқлик, тантанаворлик, ўйноқилик) борлиги ҳамда куй ҳаракати турғун бўлмай балки юқори ва пастга қараб ўйналиб туриши ҳақида айтилади. Шундан сўнг куй товушлардан иборат бўлиб, улар узун, қисқа бўлиши аниқланади. Шу тариқа узун ва қисқа муסיқий товушларнинг юқори ва пастга қараб ўйналиши натижасида ҳосил бўлган оҳанг-куй ҳақида тушунча ҳосил қилинади. Болаларнинг куйни плакат ёки доскадаги график ҳаракатига ҳамда узун ва қисқа товушларни нота карточкаларига қараб куйлаши натижасида улар нотага қараб куйлаш малака ва кўникмалари шаклланиб боради.

Болаларнинг нота ўқишини ривожлантиришнинг дастлабки босқичида ҳаракатли-кўргазмалилик услуби яхши натижа беради. Бу куйнинг юқорига ва пастга ўйналган ҳаракатини қўл ҳаракатлари ифодаси билан тасвирлаб куйлашдан иборатдир.

Плакат ёки доскада куй ҳаракатлари қуйидагича тасвирланади:

Мазкур усулга нисбатан болаларда кўникма ҳосил бўлгач, куйнинг график чизиклари устига ўзига тенг ноталарни уларнинг янги кўриниши сифатида ёзиш мумкин.

Мазкур товуш чўзими мутаносиблигини болалар яхши тушунгандан сўнггина нотали карточкаларга қараб куйлаш ва чалиш яхши натижа беради. Ноталар оқ картончаларда қуйидагача ёзилади:

Уларни қўшиш ва жой алмаштирилиши биланг турли ритмик схемалар ҳосил этилади.

Ўқувчиларга нота ёзилган плакатга қараб нота номини топишлари сўралади:

ёки: бирор нота ёзувда, масалан фа нотасини топиш сўралади.

Ўқувчиларга савол ташланади: Фа нотасини топинг?

2-3- синфларда бундай усул ўқувчиларда унча қийинчилик туғдирмайди:

1) Бутун нота ичида нечта ярим нота бор?

А. 4 та ярим нота бор.

Б. 2 та ярим нота бор.

В. 3 та ярим нота бор.

Г. 5 та ярим нота бор.

Энг баланд товушни топинг .

Товуш қаторида қайси нота тушиб қолган?

Қўшиқ куйлаш жараёнида куйнинг ҳаракатланишини ўқитувчи кўргазмали қуролда, берилган турли график тасвирларда ёки қўл ҳаракатларида ва аста-секинлик билан нота ёзувлари орқали кўрсатиб бериши, болаларнинг куйни яхши тасаввур қилиши, хотирасида узоқ вақт сақлаб қолишига имкон беради. Бунда қўшиқнинг нотаси ёзилган плакатга қараб дастлаб бир такт ичидаги ноталарни номи билан ўқиш, ўқувчилар нота номини нота чизигидаги ўрнига қараб, номини айтиб куйлашга эришганларидан сўнг уни қўшиқ сўзлари билан куйлашлари,

бунда ўқитувчининг кўргазмали (ибрат кўрсатиши) яхши натижа беради. Бундай усулларни қўллагандан кейин болаларга мустақил топшириқлар бериш ва топшириқларни яхши бажарган ўқувчиларни рағбатлантириб бориш педагогик жараёни самарали кечишини таъминлайди.

Қўшиқ маълум даражада ўрганилгандан сунг энди уни характери, темпи, динамик тусларига риоя этиб куйлашга ўтилади. Бунда нота ёзувида мавжуд динамик туслар (ф, фф, п, пп, мф, мп, реприза, вольта, крещенда, диминуэнда ва хокозо) ларнинг вазифаси, уларни ёзилиши, қўшиқ ижроси амалиётида қандай қўлланишини ўқитувчи кўрсатмаси, ижро этиб кўрсатиши орқали ўзлаштирилиб борилади. Бу ўринда болаларни фаоллигини ошириш учун уларга тез-саволлар бериш, олдин ўрганилганларни эсдан чиқиб кетмаслиги учун такрорлаб туриш муҳим аҳамият касб этади.

Қўшиқ куйлаш жараёнида эса

- қўшиқни нота ёзуви билан танишиш;
- қўшиқнинг матни билан танишиш;
- қўшиқни бўлақларга бўлиб ўрганишга киришиш;
- қўшиқни бир неча маротаба қайтариш орқали мустаҳкамлаш;
- асарнинг мусиқий-бадий образини тингловчиларга етказиб куйлаш (мусиқий ҳаракатлар, эмоционал туйғулар орқали).

Бошланғич синфларда куйлаш малакаларини шакллантиришнинг куйидаги уч босқичга бўлиш мумкин:

1. Оддий, элементар куйлашни ўрганишга эришиш;
2. Машқлар орқали вокал-хор куйлаш малакаларини ўзлаштириш, нотага қараб куйлаш;
3. Ҳосил қилинган куйлаш малакаларидан самарали фойдаланиш.

Муסיқа маданияти дарсларининг самарадорлигини ошириш учун мазкур фан хусусиятларидан келиб чиқиб, муайян дидактик принципларга асосланишни алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Дарсларга қўйиладиган дидактик талаблар тизимида қўлланиладиган методиканинг аниқ ва тушунарли бўлиши, аввалги ўтилган дарслар билан ўтилаётган дарснинг узвий боғланган бўлиши, ўтиладиган мавзуга мос материал танлаш, дарс ўтишда самарали усул ва методлардан фойдаланиш, дарсни ташкил эта билиш, жамоа, гуруҳ ва индивидуал ишлаш усуллариини ўзлаштириш, дарс жараёнида ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш, муסיқа маданияти дарсларини бошқариш, бошқа фанлар алоқадорлиги хусусиятларидан дарс мазмунини бойитишда фойдаланиш.

Кўринадики, ўқувчиларнинг муסיқий-назарий билимларни ўзлаштириш ва шу жараёнда нота ўқиш, нотага қараб куйлаш малакаларини эгаллашлари аввало ўқитувчини касбий маҳоратига, дарсни ташкил қилиш, бошқариш, режалаштириш, самарали иш услубларидан унумли фойдаланиш ўқувчиларни умуммуסיқий, муסיқий-назарий, пировардида нота ўқиш ва нотага қараб куйлаш малакаларини ривожланишига самарали таъсир кўрсатади.

Бундай педагогик талаблар сингдирилган ўқув машғулотлари таъсирида ўқувчиларда ҳақиқий муסיқий маданиятни ва вокал-хор куйлаш малакаларини шакллантириш имконияти яратилади. Ҳозирги кундаги муסיқа таълими ва тарбияси олдиги қўйиладиган замонавий талабларнинг асл мазмуни ва моҳияти ҳам ана шуни тақозо этади.

Шу ўринда ўқувчиларда муסיқа саводи бўйича билимларни етказиш самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи бир қатор кўргазмали чизма ва шаклларни келтириб ўтамиз, зеро, кургазмалилик

ва амалий топшириқларни бажариш билан амалга ошириладиган машғулотлар эсда мустаҳкам сақланиб қолиши билан аҳамият касб этиши амалиётда ўз исботини топгандир.

1 – кўргазма.

Муסיқий товушлар номлари.

2- кўргазма.

Нота йўли ва соль калити.

3 – кўргазма.

Нота йўлида асосий товушларнинг жойланиши.

4 – кўргазма.

Нота чўзимлари ва уларнинг саналиши.

Бутун нота - = 1и 2и 3и 4и.

Ярим нота - = 1и 2и

Чорак нота - = 1и.

Нимчорак нота - = 1 ёки и

Ўн олтиталик нота = 2 таси 1 ёки и

5 – кўргазма.

Паузалар.

Бутун пауза.

Яримталиқ пауза.

Чоракталиқ пауза.

Нимчорак пауза.

Ўн олтиталик пауза.

6 – кўргазма.

До мажор гаммаси (ун қатор)

7 –кўргазма.

Тон ва ярим тон.

8 – кўргазма.

Альтерация белгилари.

Диез .

Бемоль.

Бекаръ

дубльдиез

9- кўргазма.

Динамик белгилар.

ф - (форте) кучли.

мф - (меццофорте) ўртача кучли, кучлироқ.

п - (пиано) секин (кучсиз)

мп - секиндан қаттиқроқ

фф - (фортессимо) жуда кучли.

пп - жуда ҳам кучсиз (секин)

крештндо кучайиб бориш

деминиендо. пасайиб бориш.

урғу, таъкидлаб ижро этиш

10- кўргазма.

Реприза (қайтариш белгилари).

11 – кўргазма.

Мажор ва минор учтовушлиги.

(Мажор ва минор асосий поғоналари, до мажор ва ля минор).

С – дур (до мажор)

А – молл (ля минор)

2.2. Ўқувчиларнинг нота ўқиш малакаларини такомиллаштириш юзасидан тажриб-кузатувлар таҳлили.

Муסיқа маданияти дарслари кўшиқ куйлаш фаолиятида бошланғич синф ўқувчиларини нотага қараб куйлаш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш тадқиқод ишимизнинг олдинги бобларида таъкидлаб ўтилганидек дарснинг алоҳида бир қисми (тугал фаолият) сифатида эмас, балки унинг барча фаолиятлари мазмунида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўрганилаётган асар, ёки тингланаётган асар муסיқа саводи, муסיқага мос ҳаракатлар бажариш, болалар чолғу асбобларида жўр бўлиш жараёнида бўладик, авваламбор ўқитувчи бирор асарни нота ёзувини плакатда ёки тарқатма материал орқали ўқувчиларга тақдим этиши керак. Шундан сўнг баланд-паст товушларни, узун-қисқа

товушларни нота ёзуви мисолида кўрсатиб бериши, айрим тактларни “сольфеджиолаш” услуби орқали бир неча бор қайтариш, такрорлаш билан куйлаттирса ўқувчиларни нота ёзувларини эслаб қолишлари шунча самарали бўлади. Асарни назарий жиҳатдан таҳлил қилишда ҳам ўқувчиларни нота ёзуви билан боғлиқ қоидалар ҳақидаги билим ва тушунчалари мустаҳкамланиб боради. Афсуски биз кузатган кўпгина мактаблардаги мусиқа дарсларида ўқувчилар бутун бир дарсни асосан кўшиқ ўрганиш ва куйлаш билан ўтказишлари ўқувчиларни назарий саводхонлигини ўта паст даражада қолиб кетишиги сабаб бўлмоқда. Асарни бадиий ва назарий таҳлил қилиш жараёнида болалар диққат эътиборини кўшиқнинг нота ёзуви билан боғлиқ ифода воситалари – товуш, оҳанг, нота чўзимлари, ритм, темп, ўлчов, лад-тоналлик (мажор ва минор ладларини эшитилиши), динамик белгиларга қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шундан сўнг асарни тактларга бўлиб, ёки қисмларга ажратиб ўргатиш, тактлардаги товушларни “сольфеджиолаш” яхши натижа беради. Нотага қараб куйлаганда эса оҳангнинг тозалигига эришиш (соф интонация), дикцияни равллиги, товуш регистри, ритмик ансамблик кабиларни назорот қилиб бориш лозим.

Асар қайси жанрга мансуб бўлишидан қатъий назар, унинг мусиқий жарангини эшитиб, нота ёзувига қараб кузатиб, бориш ўқувчиларни нота ёзувини тез идрок қилиб, хотираларида яхши сақланиб қолишига яхши ижобий таъсир этади.

Биз мазкур илмий ишимизни бажариш давомида, хусусан педагогик амалиёт даврида ўқувчиларни нота билан куйлаш малакаларини хор асарлари воситасида шакллантиришга алоҳида эътибор бердик, кузатув ишлари олиб бордик. Бунинг учун иккита синф

танлаб (4-синф) олинди. Улардан бири тажрибасинфи ва бири назорот синфи сифатида олинди. Тажриба синфида ўзимиз ишлаб чиққан дастур асосида ўқувчиларни нота билан куйлашга ўргатиш бўйича ишларни амалда қўллашга киришдек.

Дастлабки, тажриба-синов ишларининг бошида, ҳар иккала синфда бир хилдаги саволлар билан уларни нота саводхонлигини аниқлаб олдик. Саволлар асосан кўргазмалилик асосида тузилди. Яъни, плакатда ёзилган нота чўзимлари кўрсатилган ҳолда бу қандай нота чўзими? , Бу нота товуши қайси чизикда ёзилади, ёки чизикларда жойлашган нота товушларини – бу қайси товуш? Бу ўлчов қандай номланади?, қандай вазифани бажаради?, пауза нима?, бу қандай пауза?, у нечага саналади? Мана бу тактдаги ноталарни сольфеджио килинг кабилардан иборот ҳолда содда қилиб тузилади. Саволлар тузишда болаларнинг 1-3- синфда нота саводхонлигига оид дастур талабларидан келиб чиқилди. Чунки, тажриба ишлари 4-синф ўқувчилари билан олиб борилди. Сўнгра иккала синфдаги натижалар таҳлил қилинганда уларда катта тафовут йўқлиги аниқланди.

Шундан сўнг тажриба синфида ўзимиз танлаган услублар асосида нота саводхонлигини оширишга йўналтирилган машғулотларни олиб боришга киришдик.

Тажриба синфи билан олиб борилган икки ойга яқин давом этган узлуксиз машғулотлар жараёнида биз биринчи навбатда ўқувчиларнинг мусиқа саводхонлиги, нота билан куйлаш, куйлашда назарий ва амалий билимларни номоён қилишларига эътиборни қаратдик. Ҳар бир дарсдан сўнг уларга нота ёзуви, унинг ифода воситалари ва бир, икки, уч, тўрт тактлик нота ёзувларини мустақил ўзлаштириб келишлари юзасидан топшириқлар бериб борилди. Дарсдан сўнг эса ҳар бир ўқувчининг нота

саводхонлиги бўйича ўзлаштиришлари қайд этиб борилди. Нота билан куйлашда унинг чўзимига хос, оҳанг тозалигига эришиш, товушқаторларни (гаммаларни) юқори ва пастга томон айтиб чиқиш, таянч товушларни ажратиб куйлаш, ўқувчиларни якка ҳолда ва жамоа бўлиб куйлашларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўқувчиларни ҳар бир ижро этилаётган асарнинг мазмунига кириб, уни ҳис этиб, ўқитувчи ижросида дирижёрлик ижроларини тушуниб куйлашларига ҳаракат қилдик.

Таҳлилий суҳбатларда асарни қайси жанрга мансублиги, ғоявий бадиий мазмуни, характериға қараб жанрни аниқлашға ўргатдик. Аста-секинлик билан ўқувчилар нота чўзимлари, асар ўлчови, калит олди белгилари, суръат, қайси регистрда ижро этилиши, мажор ва минор ладида ёзилганлиги ҳақида ўз фикрларини айтиб бера олдилар.

Ўтказилган синов-тажриба ишлари натижалари шуни кўрсатдики, бошланғич синф ўқувчиларининг нота билан куйлаш малакаларини шакллантиришда мусиқа саводи бўйича билимлар, нота билан куйлаш учун бажарилган машқлар тизими аниқ мақсадға қаратилган ҳолда олиб борилгандагини яхши, ижобий натижалар беради.

Ўқувчиларнинг назарий билимларини шакллантиришда уларнинг нота билан куйлаш, асарни назарий таҳлил қилиш, билан боғлиқ назарий ва амалий кўникмалари охир оқибатда дарс сифати ва самарадорлигини таъминлаш имконини беради. Айнан шу мақсаддаги ўқув-услубий машғулотлар ўқувчиларнинг нота саводхонлигини, нота билан куйлаш малакаларини шакллантирувчи омиллар вазифасини ўтайдиган бўлишди.

Икки ой давом этган тажриба ишларидан сўнг иккала синфда юқоридагидек саволларға жавоблар олинди. Натижа шуни кўрсатдики,

назорот гуруҳига нисбатан тажриба синфи ўқувчиларининг жавобларида анча ижобий ўсиш бўлганлиги маълум бўлди.

Кўрсаткичлар жадвал кўринишида қуйидагича бўлди.

1-жадвал

Тажриба бошида

Синфлар	Ўқувчилар сони	Ўзлаштириш кўрсаткичи				
		Аъло	Яхши	Қон-ли	Қон-сиз	Умумий ўзлаш %
Назоратсинфи	30	-	6	11	13	56,6
Тажриба синфи	30	-	5	13	12	52,8
Жами:	60	-	11	24	25	58,3

2- Жадвал

Тажриба охирида

Синфлар	Ўқувчилар сони	Ўзлаштириш кўрсаткичи				
		Аъло	Яхши	Қон-ли	Қон-сиз	Умумий ўзлаш %
Назоратсинфи	30	1	6	12	11	62,7

Тажриба синфи	30	6	10	13	1	95,7
Жами:	60	7	16	25	12	79,9

Тажриба охиридаги (2-жадвал) даги натижалар тажриба бошидагига нисбатан анча юқори бўлганлиги, яъни тажриба бошида тажриба гуруҳида “5” (аъло) кўрсаткич бўлмаган, тажриба охирида 6 та “Аъло” кўрсаткичга эришилган, тажриба бошида “4” (яхши) кўрсаткич 5 та бўлган бўлса, тажриба охирида бу 10 тани ташкил этган, “3” (қониқарли кўрсаткичларда) ўзгариш бўлмаган бўлсада, “қониқарсиз” кўрсаткич 12 тадан 1тага тушган. Бу жуда катта ижобий ўзгариш бўлиб, биз қўллаган иш усул ва воситаларимиз, илмий ва амалий тавсияларимиз юқори самарадорлик касб этганлиги, уларда умумтаълим мактаблари “муסיқа маданияти” дарсларида қўллаш мумкинлиги ва шу билан тадқиқотимиз мақсад ва вазифалари тўғри белгиланганлигини тасдиқлади.

Умумий хулосалар.

Битирув ишимизни бажариш давомида олиб борилган илмий изланишларимиз, эришилган натижалар қуйидагича умумий хулосалар чиқаришга асос бўлди:

1. Умумтаълим мактабларида “муסיқа маданияти” дарсларини олиб бориш, айниқса бошланғич синфларда ўқувчи-ёшларни муסיқани сеҳрли оламига оламига олиб кириш, уларда муסיқани севиш, уни бадий идрок этиш, тушунган ҳолда тинглаш, вокал-хор талабларига кўра куйлаш, шу билан уларни муסיқий-назарий билимларни яхши эгаллаган саводли қилиб тарбиялаш биринчи навбатда ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган мутахассис-ўқитувчилар, уларнинг педагогик, психологик, муסיқа ўқитиш методикаси ва илғор педагогик технологиялардан унумли фойдалана олиш маҳоротига боғлиқ. Ҳар жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялашга жуда катта аҳамият берилаётган ҳозирги кунда бу муסיқа ўқитувчилари зиммасига ҳам янада улкан маъсулият юклайди.

2. Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида муסיқа машғулотларини ташкил этиш ўзига хос педагогик маҳорот ва ёндашувларни талаб қилади. Бу энг аввало, дарсни фаолиятлар негизида ташкил этилиши билан ҳам боғлиқдир. Чунки, бошланғич синфларда дарслар бешта мустақил шу билан таълимий, тарбиявий мақсад ва вазифалари бир мақсадга йўналтирилган фаолиятлар таркибида уюштирилади.

- Булар:
1. Муסיқа тинглаш;
 2. Жамоа бўлиб куйлаш;
 3. Муסיқа саводи;

4. Мусиқага мос ҳаракатлари бажариш;

5. Болалар мусиқа асбобларида жўр бўлиш;

Бир қарашда бу фаолиятларнинг ҳар бирида маълум педагогик вазифалар ҳал этилади ва аниқ вазифалар белгиланади. Лекин, уларда эгаллаётган билим, малака ва ҳосил қилинаётган кўникмалар ўқувчиларни мусиқа тинглаш билан уни назарий томондан таҳлил қиладиган, мусиқа асарини куйлашни ўрганиш (хор бўлиб куйлаш) билан уни темпи, ўлчови жанри, динамик белгилари, вокал – хор малакаларидан яхши билимли ва саводли бўлиб етишишларига хизмат қилади. Кўринадик барча фаолиятлар мазмунида назарий, яъни нота саводхонлиги бевосита ишгирок этади ва ўқувчи мусиқий маданиятини шаклланганлик даражасини белгиловчи асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Шундай экан:

- мусиқа ўқитувчилари ҳар бир дарсда ўқувчиларни назарий саводхонлигини, яъни, нота саводхонлигига оид маълум вазифаларни эътиборда тутиши ва уни ўқувчиларга етказишнинг қизиқарли, самарали усуллари қўллаш лозим;

- нота ўқиш (мусиқий асарни плакатдаги ёзувига қараб) мусиқа тинглаш, кўшиқ куйлаш фаолиятлари негизида, ўқувчиларни “эшитяпман”, “кўряпман”, “куйлаяпман”, тарзида зарур билим, малакаларни эгаллаб боришларига асосланиши зарур; - ўқувчи фақатгина “мусиқа саводи” фаолиятида назарий тушунча ва қоидалар устида иш олиб бораман деган мақсад ва тушунчалар асосида иш тутмаслиги лозим. Чунки, ҳар қандай билим бевосита назарий қоидаларни амалий фаолиятда бажариш билан эгалланганда у тез

ўзлаштирилади, хотирадан мустаҳкам жой олади ва таълим самарали бўлади.

- ўқувчиларга мустақил вазифалар бериш, яъни, куйлаш ва ўрганиш учун танланган бирор қўшиқни 1-4 тактини сольфеджио қилиб, сўнгра сўзларини айтиб ўрганиш, динамик белгилар, ўлчовлар, темп, альтерация бергиларини аниқлаш, куйлашда уларга риоя этиш бўйича топшириқлар ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатади. Бундай тарздаги эгалланган билим ва малакалар ҳам анча самарали кечади.

Бизнинг тажрибаларимиз жараёнида шу нарсалар аниқландики, кўплаб мусиқа ўқитувчилари бир соатлик дарсни аниқ режа ва сценарий асосида ташкил этишмайди ва ўқувчиларни нота саводхонлигига етарли эътибор берилмайди. Умумтаълим мактаблари “мусиқа маданияти” дарсларини педагогик, методик жиҳатдан тўғри йўлга қўйиш, ўқувчиларни биз қўллаган усул ва воситалар ёрдамида назарий саводхонлигини ошириб бориш кутилган натижаларга эришиш мумкинлигини курсатди.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

1. И. Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т; - Ўзбекистон.-1999 йил.
2. И. Каримов. Баркамол авлод орзуси. – Т; - Ўзбекистон миллий энциклопедияси. -2000 йил.
3. И. Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т;- Маънавият. – 2008 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. – 1997 йил.
5. Умумий ўрта таълимнинг Давлат Таълим Стандарти ва ўқув дастури. – Т; - Таълим тараққиёти, махсус 6-7-сонлар-1999 йил.
6. Умумтаълим мактабларида мусиқа таълими ва тарбияси концепцияси. – Т; ХТВ, 1995 йил.
7. Мусиқа ўқитиш методикаси. Тузувчи Г. Шарипова. – Т; ТДПУ- 2000 йил.
8. Гудкнова. Е, Васильева Ф, Ашула дарслиги методикаси. -Т; Ўқитувчи-1974 йил.
9. Ҳ. Нурматов, Н. Норхўжаев. Мусиқа алифбоси. 1-синф дарслиги. –Т;- Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт санъат нашриёти- 2002 йил.
10. Ҳ. Нурматов, Н. Норхўжаев. Мусиқа 2-синф дарслиги, -Т;- Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт санъат нашриёти- 2003 йил.
11. Ҳ. Нурматов. Мусиқа ва эстетик маданият. – Т;- ТДПУ- 1992 йил.
12. Д. Соипова. Мусиқий ва мусиқий назарий билимларни ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш. –Т;- Фан ва технологиялар, - 2006 йил.

13. Эстетик тарбия асослари. Н.Кўшаев таҳрири остида. –Т; - Ўқитувчи-1987 йил.
14. Ф. Вахромеев. Мусиқанинг элементар назарияси. – Тошкент, - Ўқитувчи – 1980 йил.
15. И. Акбаров. Мусиқа луғати. –Т;- Ўқитувчи.-1993 йил.
16. П. Халабузар. Методика музыкального воспитания. – М; - Музыка. -1990 йил.
17. И. Ҳамроев. Сольфеджио. –Т;- Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт санъат нашриёти- 1976 йил.
18. Р. Қодиров. Бошланғич мактабда кўп овозли куйлаш.-Т; - Ўқитувчи. -1997 йил.
19. Биринчи иккинчи синфда мусиқа дарслари. Муаллифлар гуруҳи. –Т;- Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт санъат нашриёти- 1987 йил.
20. Д. Ражабова. Фортепиано машғулоти. –Т;- Ўқитувчи. – 1997 йил.
21. Диметриева П.Г. Черноиваненко Н.М. Методика музыкального воспитания в школе.- М;-Просвещение, 1989 год.
22. Апраксина О.А. Методика музыкального воспитание в школе. –М;- Просвещение, 1980 год.
23. А. Ҳасанов. Мусиқа ва тарбия. –Т;- Ўқитувчи. – 1993 йил.
24. Г. Шарипова. Мусиқа ўқитиш методикаси. (маърузалар матни). – ТДПУ-2000 йил
25. И. Қудратов., Н. Толлибоев. Бошланғич синф мусиқа дарсларида ўзбек халқ кўшиқларини ўргатиш. –Т;- Фан, 2007 йил.
26. И.В.Нестьев. Учител слушат музыку-М; -Музыка, 1987 йил.
27. М. Абдалова. Мусиқа. 2-синф учун ўқув қўлланма. –Т; - Ўқитувчи, 2009 йил.

28. Ўзбекистон ватаним маним. 1-китоб. – Тошкент, - Т;- Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт санъат нашриёти- 1997 йил.

29. Ўзбекистон ватаним маним. 2-китоб. – Тошкент, - Т;- Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт санъат нашриёти- 1998 йил.

30. Хрестоматия по методике музыкального воспитания. - М;- Провешение, 1988 год.

**А.Қодирий номли ЖДПИ “Муסיкий таълим” йўналиши
кундузги бўлим битирувчи курс талабаси Қудратова Ўғилой
томонидан бажарилган “Муסיқа дарсларида ўқувчиларни нота
ўқиш малакаларини шакллантириш йўллари” мавзусидаги
битирув малакавий ишига илмий раҳбар**

Х У Л О С А С И.

Умумтаълим мактабларидаги муסיқа фани ўзининг ташкилий-услубий тузилиш хусусиятлари билан бошқа фанларни ўқитилишидан кескин фарқ қилади. Бу энг аввало, муסיқа дарсларини ўзаро бир-бирига боғлиқ, бир-бирини давомийлигини таъминловчи, тўлдирувчи ва бир мақсадга йўналтирилган беш фаолият негизида уюштирилишида кўринади. Бу фаолият аслида маълум бир педагогик мақсад ва вазифалар билан боғланган бўлса-да, пировардида уларнинг барчаси ўқувчиларни умуммуסיкий маданияти, муסיкий-назарий саводхонлигини шаклланишига хизмат қилади.

Қудратова Ўғилой томонидан бажарилган “Муסיқа дарсларида ўқувчиларни нота ўқиш малакаларини шакллантириш йўллари” мавзусидаги битирув малакавий ишида ушбу масаланинг илмий, амалий, назарий-услубий жиҳатлари очиб берилган. Нота ўқиш малакалари — бу ўқувчининг назарий саводхонлик даражасини белгиловчи мезон ҳисобланади. Дарснинг айтиб ўтилган бешта фаолиятлари мазмунида ўқувчининг нота ўқиш (нота саводхонлигини) кўникма ва малакаларини шакллантириш ўқитувчидан ўзига хос педагогик ва методик ёндашувларни талаб қиладик, ушбу муаммони

айнан шу томонларини тадқиқ этиш мазкур тадқиқотни мақсад ва вазифаларини ташкил этади.

Иш кириш, икки боб, 4 параграф, умумий хулосалар ва фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат таркибий тузилишда бажарилган.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблик касб этиши, мақсади, объекти, предмети, вазифалари, илмий, амалий аҳамияти, ҳимояга олиб чиқиладиган ҳолатлар асосланган.

Ишнинг биринчи боби “Ўқувчиларнинг мусиқий маданиятини шакллантиришда мусиқий-назарий билимларнинг тутган ўрни ” деб номланиб, унинг мазмунида бошланғич синф мусиқа дарсларида мусиқа саводи бўйича ўқувчилар билим ва малакаларига қўйилган талаблар Давлат Таълим Стандарти ва ўқув дарсларига таянган ҳолда таҳлил қилинган. Ушбу талабларга кўра ўқувчиларни мусиқа саводхонлигини шакллантириш мазмуни ва моҳияти ёритиб берилган.

Ишнинг “Мусиқий фаолиятлар жараёнида ўқувчиларнинг нота саводхонлигини шакллантириш йўллари” деб номланган иккинчи бобида ўқувчиларнинг нота ўқиш малакаларини шакллантиришга йўналтирилган маўғулотларнинг ташкилий-услубий асослари, муаллиф томонидан қўйилган иш, шакл, усул ва воситалари мисолида очиб берилган. Тақдим этилган иш усулларини самарадорлик имкониятлари ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари билан исботланганлиги ишни ижобий ечим топганлигидан далолат беради.

Умуман олганда тадқиқ этилган мавзу мусиқа таълимида долзарблик касб этувчи муаммо ечими йўлида тўғри танланган, мақсад ва вазифалар тадқиқотчи томонидан тадқиқотни бажариш ва уни ижобий ечимига эришишга тўғри йўналтирилган. Ишда учрайдиган

айрим жузъий камчиликларга қарамай уни мустақил бажарилган ва тугалланган илмий тадқиқот иши сифатида баҳолаш ва ҳимояга тавсия этиш мумкин ва муаллифни бакалавр даражасини олишга муносиб деб ҳисоблайман.

П.ф.н.доц.

И. Қудратов

А.Навоий номли СамДУ Мусиқа, бадийй графика ва меҳнат таълими факултети Мусиқий таълим йўналиши 4 босқич талабаси Бердиева Зилола томонидан бажарилган “Мусиқа дарсларида ўқувчиларнинг нота ўқиш малакаларини шакллантириш йўллари (Бошланғич синфлар мисолида)” мавзусидаги ёзган битирув малакавий ишига

Т А Қ Р И З

Умумтаълим мактабларининг мусиқа маданияти дарсларида ўқувчиларни мусиқий назарий саводхонлигини шакллантиришда уларни нота ўқиш малакаларини ривожлантириш устида иш олиб бориш муҳим аҳамият касб этиши билан ўзига хос педагогик ёндашув ва иш усуллари талаб қилади.

Бердиева Зилола маскур битирув малакавий иши ушбу муаммони педагогик – методик ва дидактик асосларини таҳлил қилиш орқали ўқувчиларни нота ўқиш малакаларини шакллантиришнинг самарали усул ва воситаларини аниқлай олган. Битирув иши кириш 2 боб умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат бўлиб, мавзу муаммони ечимига йўналтирилган боб ва парагрифлар илмий жиҳатдан режалаштирилган.

Битирув малакавий ишининг биринчи боби Ўқувчиларнинг мусиқий маданиятини шакллантиришда мусиқий назарий билимларнинг тутган ўрни деб номланиб унда мусиқа дарсларида ўқувчиларнинг назарий саводхонлигини таъминлаш бўйича олиб борилган ўқув машғулоти мазмуни нота ўқишига ўргатишнинг мақсад ва вазифалари илмий услубий манбаларга таянган ҳолда таҳлил қилнган

Ишнинг иккинчи боби Мусиқий фаолиятлар жараёнида ўқувчиларнинг нота саводхонлигини шакллантириш йўллари деб номланган иккинчи бобида асосий эътибор ўқувчиларнинг нота ўқиш

малакаларини шакллантириш бўйича танланган иш усули, шакл ва воситаларини самарадорлигини аниқлаш юзасидан олиб борилган тажриба синов ишлари ва унинг натижаларини ёритишга қаратилган.

Шуни алоҳида этроф этиш жоизки тажриба синов ишлари натижалари ва чиқарилган хулосалар талабани тадқиқот ишини бажарилишига ижодий услуби манбаларни урганиб чиқиб турли хулосалар чиқарилганлигини кўрсатади.

Ишда маълум даражада камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Бу айрим фикрларни тарқоқ ва режа бўйича изчиллик каби кўрилади. Шунга қарамасдан битирув ишни мустақил бажарилган ва тугалланган иш сифатида баҳолайман ва ҳимояга тавсия этаман.

Самарқад шаҳар 1-сон

педагогика коллежи Мусиқа бўлими

кафедра мудири:

Ғойипов Б.

А.Навоий номли СамДУ Мусиқа, бадий графика ва меҳнат таълими факултети Мусиқий таълим йўналиши 4 босқич талабаси Бердиева Зилола томонидан бажарилган “Мусиқа дарсларида ўқувчиларнинг нота ўқиш малакаларини шакллантириш йўллари (Бошланғич синфлар мисолида)” мавзусидаги ёзган битирув малакавий ишига

Т А Қ Р И З

Бердиева Зилола томонидан битирув малакавий иши сифатида тадқиқ этилган мавзу мусиқа педагогикасида алоҳида ва мустакил тадқиқот предмети сифатида махсус ўрганилиши билан аҳамиятлидир.

Умумтаълим мактабларининг «мусиқа маданияти дарсларида мусиқа саводи фаолияти асосан ўқувчиларни назарий билимларни нухта ўзлаштиришларини кўзда тутди. Ўқувчиларни назарий жиҳатдан саводхонлиги эса ўз навбатида қолган фаолиятларини жумладан хор бўлиб куйлаш мусиқа тинглаш фаолиятларини ҳам самарали кечишига имкон яратади.

Мазкур битирув ишида асосий мақсад хор бўлиб қўшиқ куйлаш фаолиятида ўқувчиларни нота ўқиш нотага қараб куйлаш малакаларини шакллантиришнинг илмий – услубий асослари очиб беришдан иборатдир. Битирув малакавий ишининг якуний қисмида мавзу муаммосини долзарблиги мақсад ва вазифаларини илмий амалий аҳамияти асосланган.

Битирув малакавий ишининг Ўқувчиларнинг мусиқий маданиятини шакллантиришда мусиқий назарий билимларнинг тутган ўрни деб номланган ва унинг мазмунида мусиқий фаолиятлар хусусан хор бўлиб куйлаш фаолиятида ўқувчиларнинг нота ўқиш малакаларини шакллантиришнинг ўзига хос назарий ва амалий аҳамияти, бу соҳада тўпланган тажрибалар фанга оид манбалар асосида таҳлил қилинган.

Ишнинг иккинчи боби Мусиқий фаолиятлар жараёнида ўқувчиларнинг нота саводхонлигини шакллантириш йўллари деб номланган иккинчи бобида эса мусиқа дарсларида ўқувчиларнинг нота ўқиш малакаларини шакллантириш усуллари унинг ташкилий ўзига хос йўллари муаллифи томонидан ишлаб чиқилган амалий иш шакллари воситалари орқали ёритиб берилган бу иш усуллари ва тавсия этилган методикаларни самарадорлиги эса тажриба орқали асосланган.

Ишнинг бошқариш давомида эришилган натижалари, чиқарилган хулосалар талабанинг тадқиқотини бажариш бўйича қуйилган мақсадга эришилганлигидан далолат беради.

Бердиева Зилола томонидан бажарилган мазкур битирув малакавий иши илмий ёндашув билан саводли ва уни бажаришига қуйилган низом талабларига жавоб берадиган даражада ёзилган.

Битирув малакавий ишини давлат аттестациясига ҳимоя қилишга тавсия этамих.

Мусиқа ўқитиш методикаси

ва халқ чолғу асбоблари

кафедраси

кат.ўқит.М.Муродов